Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 4-iyun • Payshanba • 67 (29.028) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Кеча Тошкент шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва партия ташкилотларининг электорат манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлари самарадорлигини ошириш вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув ўзаро манфаатли икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик бўйича ҳамкорликни, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, гуманитар ва бошқа соҳалардаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

### йўлидаги ишларимиз самарадорлигини янада ошириш бугуннинг энг муҳим вазифаси

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф ҒУЛОМОВнинг партия маҳаллий кенгашлари раҳбарлари минтақавий семинаридаги нутқи*

Бугунги семинар кун тартибидан партиямиз учун ўта муҳим масалалар ўрин олган. Партия устав фаолиятининг сиёсий аҳамияти жорий йилда бир қанча принципиал ҳолатлар билан изоҳланади.

**Биринчидан**. Бугунги кунда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш чоралари дастурини амалга ошириш нафақат бутун мамлакат, балки кенг халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборида турибди.**

Бозор муносабатларига кўр-кўрона ёндашиш мумкин эмас, деган хулоса нақадар тўғри ва адолатли эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бош ислоҳотчи ролининг давлатга юклатилиши аниқ мақсадни кўзлаб, узоқ муддатли миллий ривожланиш стратегияси асосида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ҳар томонлама пухта ўйланган ҳужжат бўлиб, унда иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва халқнинг фаровонлигини янада ошириш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни таъминлайдиган тараққиётнинг стратегик йўналишлари кўрсатиб берилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари зиммасига **жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича мамлакатда кўрилаётган чора-тадбирларни фаол қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклайди**. Ўзбекистон ХДПнинг барча тузилмалари уларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашиши, Инқирозга қарши дастурнинг норматив базасини ташкил этадиган қонунлар ва бошқа муҳим қарорлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўз ўрнини топиши муҳимдир.

**Иккинчидан**. 2009 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари раисларидан тортиб туман, шаҳар, вилоят ва Марказий Кенгашгача бўлган сайлаб қўйиладиган органларининг ваколат муддати тугайди. Демак, барча даражада 2005 йил июлида қабул қилинган Дастуримизнинг сиёсий устуворликларини тарғиб қилиш, тушунтириш ва рўёбга чиқариш бўйича ушбу даврда амалга оширилган ишлар якунига баҳо бериш керак бўлади.

Шунингдек, партия сайланма органларининг янги таркибини шакллантириш ҳам биз учун муҳим сиёсий аҳамиятга эга.

**Учинчидан**. 2009 йил **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига навбатдаги сайловлар йилидир**.

Бугун шу муносабат билан Қонунчилик палатасига сайловлар 135 та округ бўйича фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилишини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу янгилик барча ташкилотларимизнинг партиямиз электорати олдидаги масъулиятини янада оширади. Биз электоратимиз манфаатларини яхши билган ҳолда, уларни рўёбга чиқаришга астойдил ҳаракат қилаётганимизни амалий ишлар билан намойиш этишимиз керак.

Буларнинг барчаси бугунги семинарнинг марказий масаласини, яъни **партия электорати манфаатлари йўлида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ишлар самарадорлигини оширишни белгилаб беради.**

ЎзХДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари партия сиёсатини олиб боришда қонунга асосан бош ташкилий воситадир. Уларнинг фаолиятини кучайтириш, ташаббускорлигини ошириш борасида саъй-ҳаракатларимиз натижасида айрим жойларда маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари сессияларда ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиб, электоратимиз манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинишига эришди. Бироқ, бу ишга танқидий ёндашиш зарур, деб ўйлайман.

Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан электорат манфаатларига жавоб берадиган масалаларни сессияларга киритиш бўйича жиддий ташаббус кўрсатилмади. Тошкент, Сирдарё, Навоий ва бошқа вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳамон сусткашлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

* Қисқартирилган баёни

ЎзХДП: устувор вазифалар

## ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШ

### партиямизнинг барча бўғинлари, депутатлик гуруҳларидан ташаббус ва қатъийликни талаб этади



**П**ойтахтимиздаги «Markaziy» меҳмонхонасида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳр ҳамда Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳридаги туман, шаҳар партия кенгашлари раислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов семинарда сўзлаган нутқида қайд этганидек, бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишга қаратилган дастурни амалга ошириш масалалари нафақат бутун мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчиликнинг ҳам диққат-эътиборида турибди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ушбу масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатди.

> Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари жаҳонда юзага келган инқироз оқибатларини бартараф этиш ҳамда инқироздан кейин барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича мамлакатда кўрилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватламоқда. !

Уларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашиш, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳуқуқий базасини ташкил этадиган қонунлар ва давлат қарорлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бу жараёндаги муҳим вазифадир.

Семинарда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимизнинг электорат ижтимоий манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2008 йил 17 сентябрь ва 2009 йил 27 январда ўтказилган кенгайтирилган мажлислари ҳамда IX пленумида ушбу масала батафсил муҳокама этилган эди. Натижада, депутатлик гуруҳларимизнинг иши бирмунча жонланди. 2008 йил ва 2009 йил январь-май ойларида депутатлик гуруҳларимиз сессияларда ижтимоий аҳамиятга эга қатор масалаларни кўтарди. Улар бўйича электоратимиз манфаатларига жавоб берадиган қарорлар қабул қилинишига эришилди. Шундай бўлса-да, бу ишларни танқидий баҳолаш лозимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июндаги фармойишига биноан, 2009 йил 26 май куни Андижон вилоятининг Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг очиқ суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров раҳбарлигида комиссия тузилди.

Комиссия зиммасига мазкур террорчилик ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўла мос равишда қўзғатилган жиноий иш материалларининг судда очиқ ва холисона кўриб чиқилишини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича зарур ёрдам кўрсатиш, суд жараёнининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши учун шарт-шароит яратиш вазифалари юклатилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати**

*Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

## БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒА

Яқинда Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси»га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан янги автомашина совға қилинди.

Мазкур «Болалар шаҳарчаси»даги ҳар бир коттеж бир хонадонга мўлжалланган. Бугунги кунда мазкур шаҳарчада тарбияланаётган 73 нафар ўғил-қиз учун турли фан ва ижодий тўгараклар, спорт секциялари ишлаб турибди.

— Асосий эътиборни ҳақиқий оила муҳитини шакллантиришга қаратганмиз, — дейди шаҳарча директори Дурдона Мўминова. — Ўтказилаётган байрамлар, маънавий-маърифий тадбирлар болаларнинг дунёқарашини шакллантиришда, қалбларини қувончга тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади. Болажонлар бу ерда ҳамиша меҳр ва эътибор оғушида улғаймоқда. Мазкур автомашинанинг берилиши ҳам ана шундай ғамхўрлик намунаси бўлди.

**М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

Депутат ва ҳаёт

• ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР



2

• АЭРОБУСНИ ҚИДИРИШ давом этмоқда



3

• ХИВА ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА



4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## йўлидаги ишларимиз самарадорлигини янада ошириш бугуннинг энг муҳим вазифаси

Шунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиздан партиямиз электорати манфаатларига жавоб берадиган ташаббуслар билан чиқишда фаоллик кўрсатиш талаб этилади.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг «ижтимоий пакети» аниқ кўринишга эга. Унга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури билан бирга мамлакат Президентининиг бу борадаги муҳим қарорлари ҳам кирган.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳар бирида ижтимоий аҳамиятга эга кўплаб вазифалар назарда тутилган. Минтақаларда инвестицияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий қурилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий аҳамиятли товарларни қўшимча равишда ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг назорат қилиниши зарур бўлган аниқ кўрсаткилари белгиланган.

Шу сабабли, агар биз Инқирозга қарши дастурни амалга оширишга муайян улуш қўшишни истасак, ЎзХДПнинг ҳар бир вилоят, туман, шаҳар кенгаши тегишли халқ депутатлари Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан бирга ўз ҳудудидаги вазифаларни ҳал этишнинг аҳволи қандай эканлигини ўрганиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб топиши лозим:

— 2009 йилда ва кейинги йилларда ҳудудий-ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичлари юқоридаги ҳужжатларга қанчалик даражада мос келади?

— Мамлакат Президенти томонидан қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ ҳал этилишини кафолатлаш учун тегишли дастурларга қандай аниқлик ва қўшимчалар киритиш мумкин?

2009 йил апрель-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, уларнинг таркибига кирадиган кўпчилик туман ва шаҳарлар фаоллари йиғилишлари бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишларда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 13 февралда республика ҳукумати мажлисида белгиланган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шунингдек, жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг жойларда бажарилишининг биринчи чоракдаги якунлари муҳокама қилинди. Эришилган натижалар билан бир қаторда ҳал этилмаган муаммолар борлиги кўрсатиб ўтилди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланди. Айтиш жоизки, ушбу масалаларда бизнинг электоратимиз манфаатлари ҳам кенг ўрин тутади. Шу боис, партиямиз кенгашлари фаоллар йиғилишларида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ишга киришишлари, тегишли вазифаларни ҳал этиш устидан таъсирчан мониторинг олиб боришлари зарур.

Афсуски, кўпчилик маҳаллий кенгашларимиз раҳбарлари учун «мониторингни ташкил этиш» қуруқ гап бўлиб қолмоқда. Маҳаллий ташкилотларимизнинг бу борадаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирча ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашигина изчил ва қатъий режага кўра ҳар бир туманда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитлари ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда уни амалга оширишда қатнашаётир.

Бугун ЎзХДПнинг ҳар бир туман ва шаҳар кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳар бир депутатлик гуруҳи электоратимизга унинг ижтимоий манфаатларини амалга ошириш учун партия қандай аниқ ишларни қилаётганлигини далиллар билан кўрсатиб бориши керак.

Маҳаллий ташкилотларимизнинг ижтимоий-сиёсий ишлари янада изчил, мақсадли ва самарали бўлиши лозим. Марказий Кенгаш томонидан мунтазам равишда ўтказилаётган мониторингга кўра, партиямиз ташкилотлари ҳар ҳафтада 50 тадан 70 тагача ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбир ўтказади. Бироқ, шуни айтиш зарурки, барча маҳаллий партия ташкилотлари ҳам бу масалага бир хилда изчиллик ва масъулият билан ёндашмайди. Ўтказилаётган тадбирларнинг катта қисми ички партиявий хусусиятга эга. Чунончи, Тошкент вилоятининг Ангрен ва Олмалиқ шаҳар, Оҳангарон ва Бекобод туман, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳар, Сайхунобод ва Сардоба туман партия кенгашлари электоратимиз вакиллари иштирокида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирларни жуда кам ўтказадилар. Самарқанд вилоятидаги кўпчилик туман ва шаҳар кенгашларимизда ҳам сусткашлик кўзга ташланади.

Бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини партия электорати истиқомат жойларида ишлашга йўналтириш тўғрисидаги Марказий Кенгаш кўрсатмаси катта қийинчилик билан амалга ошмоқда. Бугун бундай масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқишимиз керак.

Бу йилги вазият ЎзХДПнинг бошланғич ташкилотларидан тортиб марказий органларигача бўлган барча бўғинларидан мақсадли ҳаракат қилишни ва ташаббускорлик билан ишлашни талаб қилишини яна бир бор таъкидлашни истардим. Яқин кунларда ўтказиладиган партия маҳаллий ташкилотларининг навбатдаги конференцияларида бу масалаларга алоҳида эътибор берилиши талаб этилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШ

## партиямизнинг барча бўғинлари, депутатлик гуруҳларидан ташаббус ва қатъийликни талаб этади



Ўтган ойларда Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг электорат манфаатларига жавоб берадиган масалаларни сессияларга киритиш бўйича ташаббуслари сезилмади. Тошкент, Сирдарё, Навоий ва бошқа вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги кўпчилик депутатларимиз ишида ҳамон сусткашлик кузатилмоқда. Ваҳоланки, жойларда улар кўтариши мумкин бўлган ижтимоий масалалар йўқ эмас. Шу йилнинг апрель-май ойларида ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолларининг йиғилишларида Инқирозга қарши чоралар дастури, айниқса, унда белгиланган ижтимоий масалаларнинг жойларда ижроси таҳлил этилиб, ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Бугунги кун эса партия тузилмалари тегишли вазифаларнинг бажарилиши мониторинги, камчиликларни бартараф этишда фаол иштирокини янада кучайтириши талаб этилмоқда.

Семинарда Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарбат Абдуллаева, Улуғбек Вафоев, Ҳамидулла Назаров ва бошқалар ўз чиқишларида партия ташкилотлари олдида турган мафкуравий, ижтимоий, ташкилий масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг ўзига хос жиҳатлари, унга тайёргарлик кўриш босқичида сиёсий партияларнинг сайловолди тадбирлари хусусида Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адилов, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдукамол Раҳмоновларнинг маърузалари тингланди.





Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов иштирок этди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

*(Семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил танишишингиз мумкин).*

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Шавкат Қаҳҳоров, Владимир Гончеренко олган суратлар.**

**Депутат ва ҳаёт**

# ЮЗМА — ЮЗ УЧРАШУВЛАР

***Партиямизнинг барча даражадаги депутатлари электорат манфаатларига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилиниши ва қонун ижодкорлигида фаол иштирок этмоқда. Жойларда ўтказилаётган сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда бу борада батафсил сўз юритилмоқда. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, электоратни ташвишга солаётган муаммолар ечими хусусида ҳам суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаеванинг Қоракўл ва Олот туманларидаги сайловчилар билан учрашуви ҳам мақсад-моҳияти жиҳатидан худди ана шу масалаларга уйғунлашди. Сайёт қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбатида Шўробод, Қулончи қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги сайловчилар иштирок этдилар.

Шарбат Абдуллаева Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобининг моҳияти ва унда илгари сурилган ғоялар ҳақида фикр юритди. Мазкур мавзуда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда кўрилган масалалар ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, Ўзбекистонда шаклланган мустаҳкам ҳамда барқарор ривожланиш тажрибасининг жаҳон молия институтлари вакиллари, чет эллик иштирокчилар томонидан юқори баҳолангани тўғрисида маълумотлар берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши дастурнинг моҳияти ва асосий йўналишлари, аҳамияти ҳақида тўхталди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган янги қонунлар ва уларнинг моҳияти, мамлакатдаги ўзгаришлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Худди шундай мулоқот туман марказидаги Хўжалар маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Солур, Пайкент, Аликахўжа, Чекирчи маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Туман марказидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатида эса депутат ёшларга яратилган шароитлар билан танишди ва ўқувчилар, ўқитувчилар билан самимий мулоқотда бўлди.

Олот туманидаги учрашувлар ҳам самимий суҳбат ва савол-жавоб тарзида ўтди. Баҳористон, Жумабозор, Денов қишлоқ фуқаролар йиғини, Ўзбекистон, Совдур маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган учрашувларда сайловчилар ўз депутатлари фаолиятига бефарқ эмасликлари яққол сезилиб турди.

— Бугунги сайловчини чиройли гаплар билан авраб бўлмайди, — дейди Олот туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, партиядошимиз Наргиза Неъматова. — Шу боис учрашув амалий руҳда ўтгани барчага маъқул бўлди. Жумладан, Олотнинг ўзига хос муаммолари, уни бартараф этиш борасида белгиланаётган тадбирлар ва қилинаётган ишлар ҳақида баҳс-мунозара юритилди.

•••

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Каримов Когон шаҳридаги Амур Темур, Бобур маҳаллалари, Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида ўз сайловчилари билан учрашди. У тўпланганларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Партиядошларимиз, электорат вакилларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

•••

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева Амударё тумани Бўзёп овул фуқаролар йиғинида, Тахиатош шаҳрининг 3-маҳалла фуқаролар йиғинида, ва Нукус шаҳрида ўз сайловчилари билан учрашди.

Депутат сайловчилар ҳузурида қилган маърузаларида Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида солиқ имтиёзларининг аҳамияти ҳақида, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, саноат, қурилиш ташкилотларига яратилган имтиёзлар ҳақида, шунингдек, мамлакатимизни 2009 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига доир масалаларга кенг тўхталиб ўтди.

Сайловчилар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарар экан, депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, янги қабул қилинаётган қонунлар, назорат-таҳлил ишлари, фуқароларнинг ариза ва мурожаатлари билан ишлаш масалалари бўйича ҳам маълумотлар берди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

# МЕН ҚИШЛОҚДА ЯШАЙМАН

## ва ўзим туғилиб-ўсган обод маскан билан фахрланаман

Истиқлол йилларида гўзал ва бетакрор шаҳарларимиз қаторида барчамиз учун қадрдон бўлган қишлоқларимизни обод қилиш ва уларда яшаётган заҳматкаш инсонлар учун қулай турмуш шароитлари яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шундай обод қишлоқларимиздан бири бизнинг Ғаллаорол туманидаги Абдукарим қишлоғидир. Унинг бугунги қиёфаси фусункор табиат гўзаллиги билан уйғунлашиб кетгандай. Фуқароларнинг шинам уй-жойлари, равон йўллар, замонавий мактаблар, муҳташам коллеж, лицей, мактабгача тарбия муассасалари, спорт зали, қишлоқ врачлик пункти, гузар, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бугун қишлоқ манзарасини бутунлай ўзгартириб юборган. Аҳолини тоза ичимлик суви, узлуксиз электр қуввати, табиий газ билан таъминлаш, почта алоқа тизими, касаначилик, ҳунармандчилик йўлга қўйилган.

Қишлоғимизда ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ва фойдали тарзда ўтказиш чора-тадбирлари кўриляпти. Муҳим саналар, байрамлар муносабати билан учрашувлар, маънавият ва маърифат кечалари, спорт мусобақалари, кўнгилочар шоу-концертлар ўтказиб туриш анъанага айланиб бормоқда. Шундай тадбирлардан бири яқинда 2-иқтидорли болалар ихтисослаштирилган мактабида ўтказилди. «Озод ва обод қишлоқ» мавзуидаги бу тадбирда меҳнат ва уруш фахрийлари, ҳунар ва спорт усталари ёшларга ўз ҳаётлари ҳақида сўзлаб бердилар, йигит-қизларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар. Муҳими, учрашув қизиқарли, мазмунли, айни пайтда фойдали бўлди.

Ўзи туғилиб, вояга етаётган қишлоғини ким ҳам севмайди, унинг табиати, одамлари билан фахрланмайди, дейсиз? Биз ҳам қишлоғимиздан етишиб чиққан ва чиқаётган номдор инсонлар, спортчилар, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ғururланамиз. Айни пайтда ўқувчиларимиз орасида Дилшод Тўйчиев, Амриддин Анорбоев, Ойбек Абдухолиқов, Қодир Ҳотамов сингари фан ва спорт бўйича вилоят, республика ва халқаро танловлар совриндорлари борки, улар бизнинг фахримиздир.

Дов-дарахтлар, анвойи гуллар билан бурканган, ўртасидан шарқироқ сой оқиб ўтган қишлоғимиз айни кезларда ҳар қачонгидан ҳам гўзал ва обод масканга айланган, десам хато қилмайман. Одамларини айтмайсизми? Бир-бирига меҳрибон, ширинсўз, оқибатли. Очиғи, шундай қишлоқда, шундай одамлар орасида яшаётганимдан фахрланаман. Уни янада файзли, кўркам, обод масканга айлантиришдек эзгу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

**Муборак ҚАРШИЕВА,**
**Ғаллаорол туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси**

**Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!**



# КОРХОНА ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Пахтадан калава ип ва нотўқима мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Намимпекстекстиль» масъулияти чекланган жамияти вилоятдаги етакчи экспортчи корхоналардан бири ҳисобланади.

Корхонада дастлаб юз киши меҳнат қилган бўлса, янги қувватлар ўзлаштирилиши билан иш ўринлари сони 500 тага етди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йили 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Эътиборли жиҳати, маҳсулотнинг юз фоизи экспорт қилинди.



**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

***Суратларда:*** *«Намимпекстекстиль» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Раънохон Каримова; ип йигирувчи Нигора Буваева.*

**Танлов**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

Қарши шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ахборот-ресурс марказлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ коллежлар ва академик лицейлар ҳузуридаги ахборот-ресурс марказлари нафақат ўқувчиларга, балки ўша ҳудуд аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиши белгиланган. Шу мақсадда барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари замонавий технологиялар билан тўлиқ таъминланиб, китоб фонди мунтазам кўпайтириб борилмоқда, уларда ишлаётган мутахассисларнинг касб маҳорати оширилмоқда.

— Кўрик-танлов мамлакатимизда аҳолининг ахборот технологиялари, кутубхона хизматига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга катта эътибор берилаётганини яна бир бор намойиш этди, — дейди Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходими Бахтиёр Файзиев. — Ғолибларни аниқлашда ўқувчиларга ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши, марказ ходимининг касб маҳорати, билим даражаси ва амалий ишлари ҳисобга олинди.

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ахборот-ресурс марказлари тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, интернет тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Айни пайтда 2 миллион 718 минг китоб фондига эга ушбу марказлар 2115 электрон адабиёт билан ҳам таъминланган. Шунингдек, уларнинг 404 қишлоқ кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Кўрик-танлов якунида Тошкент шаҳар санъат коллежининг ахборот-ресурс маркази «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» номига сазовор бўлди. Фарғона педагогика коллежига иккинчи, Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи ва Чуст педагогика коллежига учинчи ўрин насиб этди.

**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎзХДП депутатлари фаолияти ҳақида

***Ўтган сайловларда Жиззах вилояти бўйича туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига сайланган депутатлар орасида номзодлари партиямиздан кўрсатилганлар оз эмас. Хусусан, 57 нафар вилоят Кенгаши депутатининг 16 нафари, 333 нафар шаҳар ва туман Кенгашлари депутатининг 116 нафари бизнинг вакилларимиздир. Улар орасида ўз сайловчиларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилаётган, фаол ва жонкуярлари кўпчиликни ташкил этади. Бу маҳаллий Кенгашлар сессияларида электоратимиз манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилиниши ва жойларда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда.***

# МАРТАБАМИ ЁКИ МАСЪУЛИЯТ?

### партиямиздан туман, шаҳар, вилоят кенгашларига сайланган вакилларимиз ўз сайловчилари ҳамда электоратимиз ишончини қандай оқлаяпти?

— 5-Тоза уруғ сайлов округидан туман Кенгашига сайланган Эрмамат Элмуродовнинг депутатлик фаолиятини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишни истардим, — дейди ЎзХДП Зарбдор туман кенгаши раиси Алиқобул Ўсканов. — У сайловчилари билан мунтазам учрашиб туради, уларни ташвишга солаётган катта-кичик масалаларни ўрганиб боради, мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилади. Зарур пайтларда эса тааллуқли ташкилотлар муассасалар, мутасаддилар олдига қўя билади, имконият даражасида ҳал этилишини талаб қилишнинг ҳам уддасидан чиқади. Депутатнинг юз бераётган жараёнларга муносабати, фаоллиги, жонкуярлиги ҳам кишини қувонтиради. Шунинг учун ҳам бу депутатимиздан амалий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат сўрайдиганлар кўп.

Партиямизнинг бошқа бир фаоли, 3-Ғафур Ғулом сайлов округидан Ғаллаорол туман Кенгаши депутати Баҳор Жумабоеванинг депутат сифатида қилаётган ишлари тўғрисида ҳам ана шундай гаплар эшитиш мумкин.

— Баҳор опани депутатликка сайлаб янглишмаган эканмиз, — дейди Ғафур Ғулом номли маҳаллада истиқомат қилаётган сайловчи, партиямиз аъзоси Марҳамат Бошманова. — У киши маҳалланинг ободлиги, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасида бизга яқиндан ёрдам бераётир. Бевосита депутатимизнинг саъй-ҳаракати натижасида ҳудудда 2 километрдан кўпроқ йўл асфальтланди, 1,5 километр тоза ичимлик суви тармоғи янгиланди, гузар қурилди, касаначилик ҳаракати кенгайди. Амалга оширилаётган барча эзгу ишларга бош-қош, ташкилотчи. Шулар туфайли биз — сайловчилар опанинг депутат сифатида олиб бораётган ишларидан хурсандмиз. У партиямиз Дастурида кўрсатилган вазифаларни амалда ифода этаяпти, ҳам сайловчиларининг меҳрини қозонаяпти.

Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилаётган сайловчилар билан учрашганимизда фуқароларнинг кўпчилиги 13-Назир Сафаров сайлов округидан шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланган ЎзХДП фаоли, шаҳар санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Фикриё Шаҳзадаеванинг депутатлик фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

— Вакилимиз халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларида маҳалламизда яшаётган партиямиз электорати — халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, кам таъминланганлар, ногирон ҳамда ёрдамга муҳтож фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича хайрли ишларни амалга оширмоқда, — дейди сайловчи Ўктам Шукуров. — Яна маҳалламиз ҳудудининг тозалиги, ободлигини таъминлашда ҳам у кишининг хизматлари катта. Опанинг ҳар бир ишидан ўрнак олса арзийди.

Афсуски, беш қўл баробар эмас. Партиямиздан номзодлари кўрсатилиб, туман, шаҳар, вилоят кенгашларига сайланган ҳамма депутатлар ҳақида ҳам шундай деб .бўлмайди. Уларнинг сафида бугунги кун қўяётган талабларга жавоб бера олмайдиган, ташаббускорлик ва жонкуярлик, одамлар ишончига муносиб бўлишга интилиш туйғулари етишмаётганлари ҳам борлиги сир эмас. Сессияларда номига иштирок этадиган, қабул қилинаётган қарорларнинг электорат манфаатларига мос келиш-келмаслиги ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмайдиган, сайловчилари турмуши, орзу-ниятларидан хабардор бўлмайдиган депутатнинг бугун бўлмаса, эртага эл назаридан қолмаслигига кафолат борми?

Хўш, депутатлик нима ўзи? Мартабами ёки масъулият?! Бугун депутатга қандай талаблар қўйилаяпти?

— Депутатликни қандайдир бир мартаба, қайсидир маънода қўшимча ваколат, имконият берадиган лавозимга ўхшаш нарса, дейиш хато, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Акром Иномов. — Аслида у бошқалар билан тортишиб, курашиб зиммага олинган катта бир масъулият, элу юртга, сайловчилар ва электоратга сидқидилдан хизмат қилиш бўйича улар томонидан билдирилган ишончдир. Шуларга муносиб бўлган депутатгина одамлар назарига тушади, ҳурмат-эътибор топади. Акс ҳолда, нафақат ўзи, балки, партиямизнинг ҳам обрўсига путур етказади.

Навбатдаги сайловлар яқинлашмоқда. Демак, биз бугун қандай депутатлар зарурлиги тўғрисида обдон мушоҳада қилиб кўришимиз, номзодлар кўрсатишдек муҳим ишга ўта масъулият билан тайёрланишимиз лозим. Токи, партиямиз депутатлари сайловчилар, электоратимиз, одамлар ишончига муносиб бўлсин, депутатликни шунчаки мартаба эмас, балки зиммага олинган юксак масъулият эканлигини ҳис қилсин, идрок этсин ва шунга яраша фаолият кўрсатсин.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## КИБЕР-ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

### бўлинма ташкил этилди

АҚШ президенти Барак Обама Америка маъмуриятида кибер-жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи махсус бўлинма ташкил этилганлигини маълум қилди. У бугун барча соҳалар компьютер технологияси билан чамбарчас боғлиқлигини, компьютер тармоқларига суқилиб кирувчи хакерлар ҳаракати кишилик жамиятига ҳужум билан баробар эканлигини алоҳида таъкидлади.



«Бугунги кунда коммунал хизматлар ва солиқ тўловлари интернет орқали амалга оширилади, шунингдек, савдо хизмати ҳам интернет орқали бажарилади. Аммо бу саъй-ҳаракатларимиз кибер-жиноятчилар томонидан «ишғол» қилиниши ва пулларимиз ўз манзилларига етиб бормаслиги мумкин. Бундай жиноятчиликни назорат қилиш қийин ва унга қарши кураш олиб бориш ҳам ўта мураккаб. Бундан ташқари, компьютер технологияси ҳарбий мақсадларда ҳам кенг қўлланилади» деди президент.

Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши компьютер технологиялари хавфсизлигига боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Яна шунга урғу бердики, бу бўлинма хусусий тармоқлар устидан мониторинг ўтказмайди, шу билан бирга интернет-трафикда кузатув олиб бормайди. Интернет эркин бўлиши лозим.

BBC хабарига кўра, ушбу махсус бўлинма компьютер тармоқларида хавфсизликни таъминлаш билан бирга аҳоли орасида компьютер саводхонлигини ошириш билан ҳам шуғулланади.

## АЭРОБУСНИ ҚИДИРИШ

### давом этмоқда

1 июнь куни Франциянинг «Air France» авиакомпаниясига қарашли «А330-200» аэробуси Рио-де-Жанейро — Париж йўналиши бўйича парвозни давом эттираётиб, уч соатдан сўнг Атлантика океани устида ҳаво ўпқони (осмондаги ҳавоси сийрак ёки ҳавосиз жой)га тушиб қолиб, автомат тарзда ҳалокат юз берганлиги ҳақида ерга хабар узатган. Шундан сўнг самолёт билан алоқа узилган ва кузатув радарлари «нигоҳи»дан ғойиб бўлган.




Тахминларга кўра, самолёт чақмоқ зарбига дуч келган бўлиши мумкин.

Айрим манбаларга қараганда, унинг бортида 228 киши бўлган. Шундан 12 нафари экипаж аъзоларидир.

CNN маълумотларига кўра, ҳозир Бразилия ва Франция ҳарбий ҳаво кучлари қидирувни давом эттирмоқда. Сенегал қутқарув отряди ҳам уларга ёрдамга келди.

Авиакомпания самолётдаги фуқаролар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, 61 йўловчи франциялик, 58 нафари бразилиялик, 26 нафари германиялик фуқаролар экан. Шунингдек, Италия (9), Хитой (9), Швейцария (6), Буюк Британия (5), Ливан (5), Венгрия (4), Ирландия (3), Норвегия (3), Словакия (3), Марокаш (2), Испания (2), Польша (2), АҚШ (2), Россия (2) ҳамда 1 нафардан Австрия, Аргентина, Бельгия, Гамбия, Дания, Исландия, Канада, Нидерландия, Руминия, Туркия, Филиппин, Хорватия, Швеция ва Эстония сингари мамлакатлар фуқаролари бўлган. Бортда жами 31 та давлат фуқароси парвоз этган. Экипаж аъзоларининг 11 нафари франциялик, 1 нафари бразилиялик эди.

## ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

**объявляет тендер N 6, 2009 года на приобретение технологического оборудования по ниже следующим лотам согласно графика поставки (3-4 квартал 2009 года).**

***Лот №1. Вагономоечная станция для помывки пассажирских вагонов в количестве 1 единицы.***

***Лот №2. Дробильная установка в количестве 1 единицы.***

**За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410**

**Телефоны: 237-94-72, 237-96-33.**



*Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

**қуйидаги иншоотлар қурилиши учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**

### ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-1: **Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 68,308 млн. сўм, ҚҚСсиз — 56,923 млн. сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 1-2. **Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Ички ишлар бўлими маъмурий биносининг том қисмини капитал таъмирлаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 38,084 млн. сўм, ҚҚСсиз — 31,736 млн. сўм, қурилиш муддати — 30 кун.

**Лот 1-3. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Ички ишлар бўлими маъмурий биносининг том қисмини капитал таъмирлаш.**

Иншоотнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 65,016 млн. сўм, ҚҚСсиз — 54,180 млн. сўм, қурилиш муддати — 30 кун.

**Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси.**

**Манзили: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 46-уй.**

**Тел/факс: (8-376) 222-80-16, 223-41-50.**

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасига ажратилган Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх префенциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

*Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ — СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

**қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Лот 1-1: Термиз тумани «ГВК зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 139,182 млн. сўм, муддати — 90 кун.

**Лот 1-2: Шеробод туманида 10 дона мелиоратив тик қудуқларни ва тиклаш ишларини амалга ошириш (1-навбати).**

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 98,323 млн. сўм, муддати — 30 кун.

**Лот 1-3: Бандихон туманидаги «К-4Б зовурини тизимли тозалаш ва тиклаш» ишларини амалга ошириш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 133,423 млн. сўм, муддати — 150 кун.

***Буюртмачи:*** Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.Тел/факс. (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:*** танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

***Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

## «MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» MChJ

**ochiq auksion savdolariga taklif etadi:**

Toshkent shahar Yakkasaroy tumani xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi Toshkent sh., Yakkasaroy tumani, Iviyev (Solnechniy) 2-tor ko'chasi, 22-uyda joylashgan 227-sonli bolalar bog'chasi faoliyat turini saqlash sharti bilan (umumiy maydoni 1794 kv.metrga teng bo'lgan bino va inshootlar) qo'yiladi. Umumiy yer maydoni 3558 kv.m. Obektning boshlang'ich narxi 780 205 854 so'm, zakalat 156 042 000 so'm.

Auksion savdosi 2009 yil 7 iyul kuni soat 15-00da boshlanadi. Sotilmagan taqdirda obekt 2009 yil 14, 21, 28 iyul kunlari o'tkaziladigan auksion savdolariga qayta qo'yiladi.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal auksion markazi» MCHJ ning AIKB Ipak Yo'lidagi MFO 00444, STIR 300053338, 20208000104555055002 sonli hisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.

Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

**Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, M-14,19-uy. Aloqa telefoni: 244-88-03, 244-88-04. Elektron pochta: auksion@bk.ru**
**Guvohnoma: № 001568 – 09**

## «POYTAXT AUKSION» DAVLAT UNITAR KORXONASI

«4-son qurilish tresti» ochiq turdagi aktsionerlik jamiyatiga qarashli, Toshkent shahar, Temur Malik ko'chasi, 2-«A» uyda joylashgan Kichik mexanizatsiya boshqarmasining 4400 kv.m. yer uchastkasida joylashgan, umumiy maydoni 1041 kv.m. bo'lgan, «А», «Б», «В», «Г», «Д», «Е», «Ж», «З», «И», «К», «Л» bloklaridan tashkil topgan bino va inshootlari 139 700 000 so'mga sotilganligini ma'lum qiladi.

## Қадрият — ўзликни англаш

*Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У ҳам бўлса, дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир.*

**Президент Ислом КАРИМОВнинг**
**«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан**

# ХИВА ҚЎҒИРЧОҚЛАРИ ДУНЁ КЕЗМОҚДА

Асрлар давомида қўғирчоқлар ясаш билан боғлиқ амалий санъат дунёга келган, ривож топган. Қўғирчоқлар — давр кўзгуси бўлиб, айнан улар тимсолида ҳаётнинг у ёки бу кўриниши акс этган.

Кейинги йилларда қадим Хивада амалий санъатнинг бу тури ривожланиб, ўзига хос мактаб яратилди.

Хива қўғирчоқсозларидан бири Матёқуб Матёқубов бир кўринишда жўн кўринган қўғирчоқ ясаш жараёни ҳақида мухтасаргина изоҳ беради:

***«Аввало ҳар бир қўғирчоқ бетакрор бўлиши керак. Янги қўғирчоқ ясаш учун ойлаб, йиллаб изланишга тўғри келади. Ниҳоят тасаввуримизда унинг янги хомаки нусхаси пайдо бўлади. Аввал лойдан шакл олиш керак. Шакл дидингизга ўтирса, кейин гипсдан қолип ҳозирланади. Буям ҳали шакл. Ҳар бир қўғирчоққа мос кийим-кечак танлаш, тикиш ва уни кийинтириб-безаш осон ишмас. Қисқача айтсам, бир қўғирчоқ ясашга энг камида ўн кун вақт кетади...»***



Яна бир қўғирчоқ устаси Мухтор Юсупов ўзи яратаётган қўғирчоқларда миллий колорит биринчи ўринда туришини алоҳида таъкидлайди:

— Негаки, биз ясаган қўғирчоқларни кўпинча қадим Хивага ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар харид қилади. Халқ эртаклари, афсоналари асосида яратилган ва хоразмча либосга ўранган қўғирчоқларга талаб катта. Негаки, дунёнинг қай бурчагидан келган сайёҳ шу ерни, тарихини, одамларини, табиий кўринишларини ва миллийлигини бир қарашда намоён этадиган қўғирчоқни олиб кетишни, бу санъат намунаси билан ўз уйи, офисини безашни истайди. Токи бу мўъжаз қўғирчоқлар ҳар доим сайёҳ қадами теккан ўлкани эслатиб турсин.

Гарчи, шу оддий-мўъжаз қўғирчоқлар аллақачон дунё кезиб, қитъалар ошиб, ўзга эллар кишиларига юртимиз қадим бой санъатимиз борасида ўзига хос реклама ўрнини ўташини назардан соқит қилмаса-да, Хива қўғирчоқсозлари фақатгина хорижлик сайёҳлар диди билан ҳисоблашмайдилар.

***«Бугунги кунда вилоятдаги қатор болалар боғчалари ҳам бу қўғирчоқларга харидор. Мурғак қалбларда амалий санъат куртакларини уйғотиш, болажонларимиз дунёқараши бойишида қўғирчоқлар ўрни беқиёс.»***

Моҳир қўғирчоқ устаси Матёқуб Матёқубов қувонч билан таъкидлашича, сўнгги йилларда айрим ишбилармонлар ўз илкидаги кафе, бар ва ресторанларни миллий қўғирчоқлар билан безатишни одат қилишган. Бунда ҳам инсоннинг эстетик диди мужассам.

Яна бир гап: истиқлолдан сўнг қадим Хива шаҳрида вилоятда ягона қўғирчоқ театри иш бошлади. Бу хайрли юмуш бошида режиссёр, актёр ва қўғирчоқ устаси Мансурбек Қурёзов турди. Устоз яратган қўғирчоқлар, шу қўғирчоқларга саҳна орқали иккинчи умр бағишлаш мана ўн беш йилки, Буюк ипак йўлида жойлашган кўҳна шаҳарда куртак ёзиб, бутун бир эртаклар оламини дунё мамлакатларига намойиш қилмоқда.

Матёқуб Матёқубов устози — Мансур Қурёзов ҳақида тўлқинланмасдан гапира олмайди: «Устоз яратган қўғирчоқлар каттаю-кичикнинг ҳаётга ташна нигоҳларига шодлик бағишламоқда. Талабчанлигини айтинг. Биз каби шогирдларини салгина хато учун ҳам аяб ўтирмайди. Ўз касбига фидо бундай инсонлар борлигидан қувонамиз».

..Шаҳарни кезаётиб, қўғирчоқлар дўкони ёнида саф тортган хорижлик сайёҳларни кўрамиз. Улар дид билан ясалган қўғирчоқлардан нигоҳ узиша олмайди. Ўзига, фарзандларига, танишларига совға деб бир неча қўғирчоқ харид қилади.

..Ва ўн-ўн беш кундан сўнг Лос Анжелесми, Мадридми ёки Лондондаги қай бир хонадон, қай бир хизматхоналарини ушбу қўғирчоқлар безайди. Юртимизнинг кичик тимсоли — моҳир усталар ижоди маҳсули бўлган бу мўъжаз қўғирчоқлар тўхтовсиз дунё кезмоқда...

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратда:*** *Мансур Қурёзов (чапда) шогирди Матёқуб Матёқубов билан.*

## Тадбир

# «ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР» ФЕСТИВАЛИ

Мана, ўн йилдирки, Бухорода ҳунармандчилик ва сайёҳлик байрами — «Ипак ва зираворлар» халқаро фестивали ўтказиб келинянти.

— Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад, — дейди Бухоро шаҳар ҳокими Қиёмиддин Рустамов. — Миллий ҳунармандчилик ва туризмни ривожлантириш, халқимиз маданиятига қизиқиши бўлган сайёҳларни юртимизга кўпроқ жалб этиш кўламини оширишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, уч кун давом этган ушбу тадбирга Марказий Осиё мамлакатлари, юртимизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган ҳунарманд, зираворчилар ташриф буюриб, ўз маҳсулотларини намойиш этдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

— Бухоро ҳақиқатан ҳам мўъжиза шаҳар, — дейди Франциянинг Руэй-Мальмезон шаҳри мэри Патрик Олле. — Бу кўҳна шаҳар билан шаҳримиз ўзаро биродарлашгани боис ҳар йили ўтказиладиган мазкур фестивалда қатнашаман. Бу йил ҳам Бухоро ҳунармандчилик мактаби дурдоналаридан баҳраманд бўлдик.

Дарвоқе, Лабиҳовуз, Шоҳруд канали бўйлари, Девонбеги хонақоси олдидаги Шарқ бозори заргарлар томонидан ясалган ҳалқа ва билакузуклар, туркман гиламлари, Ургут, Сурхон, Шофиркон сўзаналари, қирғизистонлик ҳунармандлар томонидан ясалган турли хил қўғирчоқлар, қозоқ миллий либослари, юз хилдан ошиқ зираворлару шифобахш мева ва гиёҳлар билан лиқ тўлди.

Тадбир иштирокчилари шаҳрисабзлик каштадўз-мусаввир Элдор Аҳмедов, марғилонлик атлас тўқувчи Рўзигул Содиқова, вобкентлик кулол Кубаро Бобоеваларнинг санъатига қойил қолдилар. Халқ амалий санъати усталари, олимлар, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари ва барча меҳмонларда фольклор жамоалари ва дорбозларнинг чиқишлари катта қизиқиш уйғотди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ НИМАЛАРНИ ЎЙЛАМОҚДА?



*Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматининг хабар қилишича, Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ҳужумчиси Александр Гейнрих 7 ярим ойлик танаффусдан кейин яна Ўзбекистон терма жамоасига таклиф этилди.*

*Сўнгги пайтларда «Пахтакор» жамоаси ишқибозлари Гейнрихни терма жамоа таркибига жалб қилинишини истаётгандилар. 1 июнь куни Босния ва Герцеговина терма жамоаси билан бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувидан олдин уюштирилган матбуот анжуманида Қосимов терма жамоа эшиклари барча футболчилар учун очиқ эканлигини билдирди.*

*— Мен аввал ҳам айтганман, Гейнрих яхши футболчи ва у билан ўртамизда ҳеч қандай келишмовчилик йўқ, — деди бош мураббий. — Ҳар бир мураббийнинг футболга нисбатан ўз қарашлари ва ўйин услуби бўлади. Шундан келиб чиқиб, мураббий таркибни шакллантиради. Ҳозир терма жамоа таркибини яшартириш устида иш олиб борилмоқда. Лекин бу тажрибали футболчиларга таркибда ўрин йўқ дегани эмас. Масалан, Япония футболчилари билан сафарда ўтказилган учрашувда Гейнрихни майдонга туширдик.*

*Таъкидлаш лозимки, 6 июнь куни Япония билан бўладиган ўйин олдидан ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғинларига Қосимов 24 нафар футболчини жалб қилганди. Мана энди "Пахтакор" жамоаси аъзосининг қўшилиши билан уларнинг сони 25 нафарга етади. Аммо бу якуний таркиб дегани эмас, чунки мураббий ҳали рўйхатга яна айрим ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги билдирган.*

*Айни пайтда Тошкентда давом этаётган ўқув-машғулот йиғинида эса Миржалол Қосимов қуйидаги футболчиларни синовдан ўтказмоқда:*

*Дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Темур Жўраев («Пахтакор»), Михаил Наумов («Насаф»); ҳимоячилар — Анвар Ғофуров, Саҳоб Жўраев, Руслан Мелзитдинов («Бунёдкор»), Артём Филипосян, Ҳамза Каримов («Насаф»), Илҳом Суюнов, Анзур Исмоилов, Камолиддин Тожиев («Пахтакор»), Ислом Тўхтахўжаев, Владимир Радкевич («Нефтчи»); Ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов, Станислав Андреев, Шерзод Каримов («Пахтакор»), Тимур Копадзе, Жасур Ҳасанов, Сервер Жепаров, Азиз Ҳайдаров («Бунёдкор»); ҳужумчилар — Марат Бикмаев («Спартак», Нальчик), Шахбоз Эркинов («Пас», Эрон), Анвар Солиев («Бунёдкор»), Фарҳод Тожиев, Александр Гейнрих («Пахтакор»).*

*Ўзбекистон — Япония терма жамоалари учрашуви 6 июнь куни соат 19.00 да «Пахтакор» Марказий стадионида бошланади.*

***Эркин ХОЛБОБО***

**Уч кун давомида бутун Ўзбекистон халқининг диққатини ўзига қаратган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» республика спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Улкан спорт байрамида иштирок этган ўғил-қизлар қалбида эса бир умр унутилмас туйғулар қолди. Ҳамда «Умид ниҳоллари» чин маънода улар ҳаётида катта воқеа бўлди, бурилиш ясади дейишимиз мумкин. Шунингдек, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган спортчи-ёшлар учун жаҳон майдонларига йўл айнан «Умид ниҳоллари»дан бошланади десак муболаға қилмаган бўламиз.**

# БАЛАНД РУҲ, ЁШЛИК ШИЖОАТИ ТАНТАНАСИ

***Александра КОВАЛЬЦОВА, енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзоси, олтин медаль соҳиби:***

— Терма жамоамизнинг биринчи ўринни қўлга киритгани барчамизни қувонтирди. Бизга Президентимиз табригининг асл нусхаси топширилган пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифода этолмайман. Мусобақанинг очилиш маросимида, машъала ёқилаётган лаҳзаларда ўзимни худди жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида иштирок этаётгандай ҳис қилдим. Келажакда Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишни хоҳлайман.

***Муроджон РАҲМОНОВ, футбол бўйича Наманган вилоят терма жамоаси аъзоси, олтин медаль соҳиби:***

— Барча учрашувлар жуда қизғин руҳда ўтди. «Умид ниҳоллари»да ғолиб бўлиш осон деганлар адашади. Финалга чиққанлар орасида заиф жамоанинг ўзи йўқ. Ҳар бир ғалаба катта машаққатлар эвазига қўлга киритилади.

Мактабда ўқиш билан бир қаторда «Навбаҳор» жамоасининг ўринбосарлар таркибида ўйнаяпман. Келажакдаги орзуим «Навбаҳор»нинг асосий таркибига кириш, миллий терма жамоамиз сафида жаҳон чемпионатида иштирок этиш.

***Асқар АБЛАЕВ, миллий кураш бўйича Самарқанд вилоят терма жамоаси мураббийи:***

— «Умид ниҳоллари» мусобақасида икки нафар шогирдим бронза медалини қўлга киритди. 46 килограмм вазнда Достон Холиқулов, 55 килограмм вазнда эса Шерзод Пардаев шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Бу бизнинг умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашимизни таъминлади. Лекин мен ўқувчиларим натижаларидан унчалик қониқмадим. Улардан кўпроқ нарса кутгандим. Энди йигитларни кейинги мусобақаларга бундан-да яхшироқ тайёрлашга ҳаракат қиламан.

***Бахтиёр ҒУЛОМОВ, футбол бўйича Фарғона вилоят жамоаси аъзоси, бронза медаль соҳиби:***

— Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Президентимизнинг биз қатнашчиларга табригини эшитганимда этим жимирлаб кетди. Айниқса у кишининг **Ҳар қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслиги ўз муродига етиш учун аввало кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат керак,** деган сўзлари бизни ғалаба сари руҳлантирди. Жамоамиз учинчи ўринни эгаллади. Аммо бу натижадан хафа бўлганимиз йўқ.

***Беҳзод ДЎСТҚУЛОВ, миллий кураш бўйича Навоий вилоят терма жамоаси аъзоси, кумуш медаль соҳиби:***

— Барчанинг спорт ўйинларига яхши тайёргарлик кўриб келгани яққол билиниб турди.

Мен мусобақада ғолиб чиқишни жуда-жуда истагандим. Аммо финалда омад мендан юз ўгирди. Аммо тушкунликка тушаётганим йўқ. Боиси ушбу мусобақалар биз ўсмирлар учун ҳақиқий байрам.

Мен кураш билан шуғулланишни Абдулла Тангриевга ҳавас қилиб бошлаганман. Ўзбек кураши олимпиада ўйинларига қўшилишини жуда ҳам истайман. «Умид ниҳоллари» мусобақалари 2012 йилда бизнинг вилоятимизда бўлиб ўтади. Мусобақаларни ўтказишга тайёргарлик биз учун бугундан бошланади.



●●●

Ўтган уч кун давомида бутун Гулистон спорт билан яшади, спорт шаҳрига айланди. Сирдарёликлар учун унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Энди биз 2012 йилда Навоий вилоятида бўладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини интиқлик билан кутамиз

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат.**

## Тиббиёт

# ЯНГИ МАШИНАЛАР САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИДА

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига «Саломатлик-2» ҳамда Осиё Тараққиёти банкининг «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси бўйича ЗАО «Промспецимпекс» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, яна олтита УАЗ автомашинаси берилди. Ҳар бирининг баҳоси 28 миллион сўмдан ортиқ бўлган бу машиналар Тўрткўл, Беруний, Қўнғирот, Шуманай, Чимбой, Тахтакўпир туманлари тиббиёт бирлашмаларига ажратилди.

Даволаш муассасаларининг автомашина билан таъминланиши энг чекка ҳудудда яшаётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

**(Ўз мухбиримиз).**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 549
13339 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.10
Topshirilgan vaqti — 02.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda